Ўzbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani
**HOKIMI**
**QARORI**

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ**
**ХОКИМА**
**Самаркандского района**
**Самаркандской области**
**Республики Узбекистан**

121

_ y.r. “18” апрел **№525-К** **Samarqand t-p Самарканд**

**“Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Оқмачит” маҳалласида фукаро Мухитдинов Хасан Нажмиддиновичга савдо дўкони қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида.**

“Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Кўшмачит” маҳалласида яшовчи фуқаро Мухитдинов Хасан Нажмиддинович туман ҳокими номига “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Оқмачит” маҳалласи ҳудудидан савдо дўкони қуришга ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосаси, ”Қишлоққурилишлойиҳа” масъулияти чекланган жамиятининг 2014 йил 3 ноябрдаги 11-14/528 сонли хулосасини инобатга олиб, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эхтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаъолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1.“Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Кўшмачит” маҳалласида яшовчи фуқаро Мухитдинов Хасан Нажмиддиновичга “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Оқмачит” маҳалласи ҳудудидан савдо дўкони қуриш учун 115,5 м.кв қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Мухитдинов Хасан Нажмиддиновичга савдо дўкони куришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Қурбонов зиммасига юклансин.

**Туман ҳокими** **Б. Кадиров**